

38
(1356)-son
21-sentabr
2018

Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

MOBICON 2018

Самсон
Безмятежнийдан
маслахатлар **3-бет**

ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ

Электронная академия
ждет своих пользова-
телей **6-бет**

ФОЙДАЛИ ИЛОВАЛАР

Муסיқа кимники?
Смартфон аниқлайди
7-бет

“ТАРАҚИЁТ”

Республика танлови
ўтказилади **10-бет**

ТЕСТ

Аккумулятори энг яхши
“iPhone”ни аниқлашди
13-бет

МУТОЛАА

“Кечиккан гулдаста”
(Ҳикоя) **14-бет**

UZ ДОМЕН ХУДУДИ

(20.09.2018)

Фаол
доменлар сони
62 508 та

Бу йилги
янги доменлар
18 394 та

Бу йил
ўчирилган доменлар
8 031 та

Манба: cctld.uz



ЎЗБЕКISTON ARTLD ЮБИЛЕЙ САММИТИГА МЕЗБОН БЎЛДИ

Тошкент шаҳрида 20-21 сентябр кунлари Осиё-Тинч океани минтақаси юқори даражали доменлар уюшмаси (Asia Pacific Top Level Domain)нинг 20 йиллик юбилей саммити ўтказилди.

3-бет ▶

▶ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР ВА ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ИМКОНИЯТЛАР

20 сентябр куни Тошкентда “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклар тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусида халқаро конференция иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев конференция иштирокчиларига мурожаат йўллади. Бош вазир Абдулла Арипов томонидан ўқиб эшиттирилган мурожаатда минтақанинг халқаро транспорт тизимига интеграциялашувига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар тилга олинди.

Асосий пленар йиғилиш “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида бўлиб ўтди ва тушдан кейин танланган тематик тармоқлар бўйича тўртта параллел секцияли сессия ўтказилди. Хусусан, “Марказий Осиё мамлакатлари транспорт ва транзит салоҳиятининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” секциясида Марказий Осиё мам-

лакатлари транспорт ва транзит салоҳиятининг имкониятлари, Марказий Осиёдаги ташқи интеграциялашган транспорт соҳасини шакллантириш ва минтақада янги йўлақлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. Шуъба йиғилишини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазир Ботир Хўжаев, ЕХХТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Макгрегор кириш сўзи билан очиб беришди. Айниқса, Жон Макгрегорнинг ўзбек тилида анжуман ишига омад тиллагани барчанинг диққатини ўзига тортиди. Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Бош котиби Ҳади Сулейманпур, Тошкентдаги ИНҲА университети ректори вазифасини бажарувчиси Музаффар Жалолов ва бошқаларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

11-бет ▶

▶ АНОНС




24-29 sentabr
Toshkent, Jizzax

**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA
TEKNOLOGIYALARI
HAFTALIGI**

www.ictweek.uz





АКТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ 5 ЙИЛЛИК МИЛЛИЙ ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябр куни ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимидаги ишларни таҳлил қилиш, соҳани жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати хабар қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 сентябр куни мамлакатимизга амалий ташир билан келган АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэл Браунбэрни қабул қилди. Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали, жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, бағрикенглик ва конфессияларо тотувликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27-28 сентябр кунлари Тожикистонга боради. Таширнинг биринчи куни Шавкат Мирзиёев қатор икки томонлама тадбирларда қатнашади. 28 сентябр куни Ўзбекистон Президенти Душанбе шаҳрида МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этади. Тор ва кенг доираларда муокаралар ўтказилиши, қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябр куни мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Миссисипи штати Миллий гвардияси кўмондони генерал Женсон Боллз ва АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Миллий гвардияси ва тегишли идораларининг Миссисипи штати Миллий гвардияси билан, жумладан, жамоат тартибини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш соҳасида тажриба алмашиш, тренинг ва тадбирлар ўтказиш борасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 19 сентябр куни Кристиан Дан Преда бошчилигидаги Европа парламенти Ташқи ишлар кўмитаси делегацияси билан учрашув бўлди. Унда парламентларо алоқалар истиқболлари, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Бош котиби Ҳади Сулейманпур билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда савдо-иқтисодий, инвестицион ва транспорт-коммуникация соҳаларида минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида Ўзбекистон ва ИХТ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тизимида амалга оширилган ишлар билан ОАВ вакиллари ва улар орқали аҳолини яқиндан таништириш учун Тошкент вилоятига пресстур ташкил этди.

— Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожини барча соҳаларнинг жадал тараққиётига хизмат қилади, одамларга қулайлик яратди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Йил бошида ушбу муҳим соҳани ривожлантириш бўйича белгилаб берилган кўплаб вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмади. Тармоққа инвестиция жалб этиш, хизматлар ва тайёр дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш аҳоли бизни умуман қониқтирмайди.

Шунинг учун вазирликнинг раҳбариятини ўзгартиришга мажбур бўлдик. Янги вазир ва унинг ўринбосарлари бундан тегишли хулоса қилиб, ўз ишларини мутлақо бошқача тарзда ташкил этишлари лозим. Мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, жалб этилаётган инвестициялар ва экспорт ҳажмини кескин кўпайтириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш керак, — деди Президент.

Мажлисида Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникация-

лари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Президент ҳузуридаги йиғилишларда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш қандай бораётгани таҳлил қилинди. Соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўғридан-тўғри сармоялар иштирокидаги лойиҳалар ҳиссасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Жорий йилда камида 200 миллион доллар, 2019 йилда эса инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри сармоялар ҳажми 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

“Ўзбектелеком” компаниясининг нуфузини ошириш, “ЎзМобайл” миллий мобил алоқа операторини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада хизматларни экспорт қилиш етарли эмаслиги, бу кўрсаткични кескин ошириш, энг аввало, дастурий таъминот яратиш ва экспортни кўпайтириш кераклиги таъкидланди.

Телефон ва интернет фой-

даланувчиларига кўрсатилаётган хизматлар сифати пастлиги, мавжуд алоқа тармоқларининг атиги 27 фоизи оптик толали, қолгани мис симли линиялардан иборат экани танқид қилинди. Интернет тармоғига уланиш тезлигини ошириш, алоқа тармоқларини тўлиқ оптик толага алмаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари кўрсатишни кескин яхшилаш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Почта алоқаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар танқислиги сезилаётгани, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида илмий салоҳиятга эга педагоглар бор-йўли 21 фоизи ташкил этиши қайд қилинди. Шу боис университетда ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва илмий-тадқиқот ишлари қўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, мамлакатимизда ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 5 йиллик миллий дастурни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЯНГИЛИК

МИЛЛИЙ БАНКЛАРАРО ПРОЦЕССИНГ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 19 сентябр куни “Миллий тўлов тизimini ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорда ушбу тизимда ютуқлар билан бирга, талай муаммолар борлиги, жумладан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасини камайтираётгани, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаётгани ҳамда бир монопол тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келаётгани қайд этилган.

Шу сабабли ҳам, мазкур қарор билан тўловларни амалга ошириш узлуksизлигини таъминлаш, инноваци-

он маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабошлигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси Миллий банкларо процессинг марказини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

■ 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Миллий банкларо процессинг маркази, банкларо тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи тўлақонли марказ яратиш;

■ 2020 йил 1 январга қадар маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисобкитобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи Миллий банкларо процессинг марказини ишга тушириш;

■ 2020 йил 1 июлга қадар мамлакатдаги барча процессинг марказларининг, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларининг бевосита Миллий банкларо процессинг марказининг ягона

шлюзи орқали ишлашини;

■ банк тўлов инфратузилмаси доимий равишда яхшиланишини, банкматлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи кўп функцияли терминаллар тармоғининг, шу жумладан, ўз тасарруфидига корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда кенгайтирилишини таъминлаш сингари вазифалар топширилди.

Қарорда Марказий банк 2019 йилнинг 1 январига қадар хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва умумтан олинган халқаро нормалар ва қондалар асосида “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши белгилаб қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН APТLD ЮБИЛЕЙ САММИТИГА МЕЗБОН БЎЛДИ



◀ 1-бет.

APТLD интернет тармоғини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи мураккаб минтақавий ва глобал тизимга эга асосий ташкилотларидан бири бўлиб, технологик ва операцион масалалар бўйича тажриба алмашиш платформаси ҳисобланади. Шунингдек, APТLD домен номларини бошқариш бўйича халқаро таъминларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда. Ташкилот 1998 йилда ташкил топган, 2003 йилда эса Малайзияда штаб-квартирасига эга бўлди.

Ўзбекистон 2017 йилнинг сентябрь ойида .UZ ҳудудда домен номларини рўйхатга олишни мувофиқлаштирувчи ташкилот UZINFOCOM компанияси вакилликда APТLDга аъзо бўлди. Олимпия уйинларида бўлгани каби, уюшма аъзолари ҳам саммитни ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашдилар, бунинг учун тақдиротлар тайёрлашди ва асоциация кенгашининг қўллаб-қувватлашини қўлга киритишга ҳаракат қилдилар.

“Тошкентдаги саммитда 40 дан ортиқ Осиё-Тинч океани

минтақасида, Европа, Шимолӣ ва Жанубий Америкадан келган давлатларнинг вакиллари иштирок этди. Бу кенг қўламли тадбир бўлиб унинг асосий мақсади иштирокчи давлат, интернет-бизнес, хусусан, домен саноатининг вакиллари-ни глобал тармоқнинг уникал идентификатор тизимининг асосий трендлари, чақирик ва

янги имкониятлари, шунингдек, интернетда янги хавфсизлик технологиялари ва бошқа мамлакатларда интернет ривожланиши тажрибаси билан таништиришдир.

Биз бу йил Ўзбекистон саммитга мезбонлик қилганидан мамнунмиз, бизнинг кўплаб иштирокчиларимиз ўзлари учун ушбу кўҳна тарих ва улкан истиқболга эга заминни кашф этдилар. APТLD ўзининг 20 ёшини айнан Тошкентда нишонагани — қабул қилувчи давлатга билдирилган катта ишонч белгиси ва албатта, шарқ эртанига гарқ бўлиш истагидир.

Ўзбекистон ҳукумати интернет тармоғини ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият бераётганига шохидмиз, бу сазй-ҳаракатлар муваффақиятли бўлишига умид қиламиз. .UZ маконда доменларни рўйхатга олишда улкан сакраш содир бўлмоқда ва бутун мамлакат бўйлаб интернет-технологиялари ривожланаётганига бевосита гувоҳ бўлдик, ушбу жараён-

ларга алоқадор эканлигимизни ҳис этиш ёқимли”, — деди APТLD нинг ижрочи директори Леонид Тодоров.

Саммитда APТLDдан ташқари ICANN нинг (icann.org — интернетда ном ва манзил тақдим этувчи интернет корпорацияси) бир қатор етакчи мухассислари ҳамда RIPE NCC (ripe.net) ва APNIC (apnic.net — Европа ва Осиёдаги IP-манзиллардан фойдаланишни мувофиқлаштириш марказлари) раҳбарияти иштирок этди. Уларнинг асосий вазифаси жойларда интернет-инфратузилмасини ва уларни бошқариш сиёсатларини ривожлантириш борасидаги етакчи тажриба билан ишлаш.

APТLD конференцияси доирасида экспертлар томонидан бир қатор мастер-класс, тренинг ва матбуот анжуманлари ўтказилди.

Саммит тафсилотларига газетамизнинг кейинги сонида батафсил тўхталамиз.

Собит АҲАДОВ,
“Хабар” мухбири

Саммитда дунёга машҳур мутахассислар иштирок этишди

Пол Викис — интернет тармоғининг биринчи кашфиётчиларидан бири, DNS домен номлари тизимининг ҳаммуаллифларидан бири
Пол Уилсон — Осиё-Тинч океани минтақасида 6 минадан ортиқ интернет-провайдерларни ва интернетнинг ўзaro алоқасини таъминловчи ташкилот — APNIC бош директори

Паул Рендек — RIPE NCCнинг (Европа ва Яқин Шарқда 10 000дан ортиқ интернет-провайдерларни боғловчи) ташқи алоқа масалалари бўйича директори, нарсалар интернетини соҳасида етук мутахассис

Алексей Солдатов — энг катта русча интернет мутахассиси, Рунет “оталари”дан бири

Кил Нам Чон — Жанубий Корея интернетининг “отаси” ва афсоналаридан бири
Гордон Дик — Nominet (Буюк Британия) — жаҳоннинг энг йурик миллий доменлар бўйича компанияларидан бирида доменлар бўйича бизнес бошлиғи

Далси Баньял хоним — Вануату Республикасининг Телекоммуникация соҳасини бошқариш агентлиғи раҳбари

Вазир Раед ал-Файез — Саудия Арабистони қироллиғи Телекоммуникация вазирлигининг интернет-хизматлари масалалари бўйича бош директори, араб интернетининг энг йурик мутахассиси ва бошқалар.

MOBICON 2018

YOUTUBE ВАКИЛИ САМСОН БЕЗМЯТЕЖНИЙДАН МАСЛАҲАТЛАР

11 октябрда бўлиб ўтадиган Mobicon 2018 мобил конференцияси доирасида Ўзбекистонда биринчи бор YouTube вакили Самсон Безмятежный иштирок этади. Самсон Безмятежный Genesis YouTube Qazaqstan&Central Asia раҳбаридир.

Самсон Безмятежный YouTubeнинг Қозоғистон, Марказий Осиё ва дунё мамлакатларида ривожланиши, соҳадаги сунги трендлар ҳақида сўлаб, ушбу видеосервисда қандай қилиб ўз каналингизни ривожлантиришингиз мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар беради.

Ҳозирда YouTube Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда оммавийлашмоқда. Мамлакатимизда YouTubeдаги роликлар қўрилиши сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда блогерлар сони-



нинг ўсиши билан боғлиқ. Ҳозирда айрим YouTube-каналларнинг обуначилари сони 500-600 мингга етган.

Шу муносабат билан Mobicon 2018 конференциясида асосан YouTubeда каналларига эга бўлган видеоблогерлар чиқиши кўтилмоқда. Иштирокчи режалаштирилган блогерларнинг тўлиқ рўйхати билан расмий сайтда (mobicon.uz) танишиш мумкин.

Mobicon 2018 конференцияси, анъаналарга содиқ қолган ҳолда, фақат бир кун — 11 октябрда International Hotel Tashkent меҳмонхонасида ўтказилади.

Таклифномани қўлга киритиш учун тадбирнинг расмий телеграм-каналда рўйхатдан ўтиш керак. Конференциядан уч кун аввал телеграм-каналнинг барча аъзоларига электрон таклифнома жўнатилади. Мазкур таклифнома билан конференцияга ўтказилаётган бинаго кириш мумкин.

Бу йилги конференция ҳам бир пайтнинг ўзида иккита анжуман залида ўтказилиб, иштирокчилар ўзлари учун кераклик спикерларни танлаб, уларни эшитиш имкониятига эга бўлишди.

Тадбир ташкилотчиси — Ledokol Group медиа агентлиғи.

ICTWEEK 2018

“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН” ФОРУМИ ДАСТУРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Тошкентда 26 сентябр куни ICTWEEK 2018 — ахборот технологиялари ҳафталиғи доирасида “Рақамли Ўзбекистон” (DIGITAL UZBEKISTAN) мавзудаги форум бўлиб ўтади. Ташкилотчилар форум дастурини эълон қилишди.

Дастурга кўра, форумни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Солиқов табрик сўзи билан очиб беради.

Форумда Қозоғистон ахборот ва коммуникациялар вазирлигининг Динара Шеглова “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури ва Astana Hub халқаро технопарки тақдимотини ўтказиши кўтилмоқда.

Халқаро экспертлар, мамлакатимиз ва хориз давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиғи, UZINFOCOM, ERNST&YOUNG халқаро аудиторлик компанияси, Осиё булутли ҳисоблашлар маркази ва бошқалар) рақамлаштириш тенденциялари ва истиқболларини муҳокама қилишди.

Форумда тингловчи сифатида қатнашиш учун www.ictweek.uz расмий сайтыда рўйхатдан ўтиш ва QR-код олиш ёки тадбир ўтадиган кун рўйхатга олиш зоналаридан бирида рўйхатдан ўтиш керак.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ

Кенг жамоатчилигимизни сўнгги вақтларда бир масала ўйлантириб, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётгани. Бу – ўқитувчининг кадр-қиммати, таълимнинг сифати, интеллектуал салоҳият масаласи эди. Дарҳақиқат, ушбу мезонлар тараққиётни белгилувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан камол топтиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йилда “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини жорий этиш ишлари, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини оширишга давлат сиёсати даражасида қара-

лаётганининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Ушбу ҳужжат халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унга кўра, энг кераги соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулияти янада оширилди. Энди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар халқ таълими бошқарма ва бўлимлари, шунингдек, вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилот ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод қилиш масаласи маҳаллий ижро этувчи ҳокими-

ят органлари билан келишилмасдан Халқ таълими вазири томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Шу билан бирга, халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. 2019 йил 1 январдан бошлаб туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг тузилиб, кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай рейтинг якунлари оммавий ахборот воситаларида ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг веб-сайтида жойлаштириладиган бўлди.

Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчиларнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратини оширишга, умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради.

Ушбу ҳужжат билан 2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби бос-

қичма-босқич жорий этилиши эса ўқувчиларнинг ота-оналарига таълим муассасасига бормасдан, муассаса раҳбарларини бевосита учрашмасдан, муассаса тўғрисида шаффоф маълумот олишида, ортиқча бюрократик тўсиқларсиз фарзандини умумтаълим мактабларига жойлаштиришига имкон яратади. Шу йилнинг 1 октябридан эса умумтаълим муассасаларининг вазийлик кенгашлари тугатилиши ва таркибига муассаса фаолиятига жиддий ҳисса қўшишга қодир энг фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлардан иборат умумтаълим муассасалари кузатув кенгашларининг ташкил этилиши умумтаълим муассасаси раҳбарини сайлаш, уни эгаллаб турган лавозимдан озод этишда ота-оналар ва битирувчилар вакилларининг бевосита иштирок этишини таъминлаши билан аҳамиятлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, келагачимиз эгаларининг тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжат замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, юртимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини принципиал ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Инновацион ривожланиш,
ахборот сиёсати ва
ахборот технологиялари
масалалари
қўмитаси аъзоси



ҲАМКОРЛИК

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЯНГИ ФАКУЛТЕТ ОЧИЛМОҚДА

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳunar коллежида “АКТ конвергенцияси” ва “Электрон бизнес” йўналишларида ўзбек-корейс факултети очилади. Лойиҳа Тошкент ахборот технологиялари КХК ва Корея Республикасининг Улсан коллежи ҳамкорлигида йўлга қўйилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари КХКда 20 сентябр куни бўлиб ўтган тақдиротда янги факултет ҳақида батафсил маълумот берилди.

Коллеж директори Дмитрий Лининг айтишича, қўшма таълим ҳақидаги меморандум 2018 йилнинг 1 августида имзоланган эди. Ҳамкорлик алоқалари олдиндан ривожланиб келган.

Янги факултетга коллеж биносининг олтинчи қавати ажратилган. Таъмирланиб, кераклича жиҳозлан-

ган. Қурилмаларни корейликлар етказиб беришди. Ташқи кўриниши ва таъминланиши жиҳатидан ўзбек-корейс факултети Улсан коллежи факултетлари билан бир хил.

Қўшма таълим икки босқичли таълимни кўзда тутди. Ўзбек-корейс факултети ўқувчилари биринчи йил Тошкентда ўқишди: махсус фанларни ўзлаштириб, корейс ва инглиз тилларини чуқурлаштирилган ҳолда ўрганишди.

Биринчи босқични тугатган ўқувчиларга маҳаллий коллежларники билан бир хил диплом берилди. Иккинчи босқичга аъло даражада ўтган ўқувчилар ўқишни Жанубий Кореядаги ҳамкор коллежда давом эттиришди.

У ердаги коллежни ҳам тугатишга, уларга халқаро андозалардаги диплом берилди. Бу диплом

ҳодовчиларга Улсан университети ёки Кореядаги исталган олий ўқув юртининг бакалаврияти учинчи босқичга кириш имконини беради.

Янги факултетдаги мутахассисликлар ҳам янги — ўқув дастурлари Улсан коллежи ўқув-методикаси асосида ишлаб чиқилган.

Таълим шакли — шартнома асосида. 2018 йили янги факултетта Тошкент ахборот технологиялари КХК ва бошқа турдош коллежларнинг битирувчилари қабул қилинади. Шунингдек, иккинчи касбга ўқишни истаган ўрта махсус ва олий маълумотга эга шахслар ҳам янги факултетга кириб ўқишлари мумкин.

Тақдиротта келган меҳмонлар янги факултетнинг аудиториялари ва лабораториялари билан таништирилди.

Ўз мухбиримиз



ОЛТИАРИКЛИК АЗАМАТЛАР

Одамлар дунёқарашини ўзгартиришда телекомчиларнинг ҳам хизматлари бор



“**Одамлар “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали хизматларидан рози бўлишлари учун ҳар қанча бўлсин меҳнатга тайёрмиз...**”

Ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш учун мамлакатимиз раҳбари барча шарт-шароитларни яратиб қўймоқда. Қонунлардан, ўз ҳақ-хуқуқларидан бохабар инсон ўзи учун ҳам, халқи учун ҳам кўп хайрли ишларга бел боғлаб, барака топяпти. Бахту баракали умр кечираётганлар сафи давлатимизнинг ички ва ташқи сиебати туфайли кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунёддон РОЗИ-ҚОВ бошиқ Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳам одамлар турмуш сифати ва дунёқарашини ўзгартириш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти.

“Обод қишлоқ” ҳаётбахш дастури асосида Полосонда тўртта, Тинчлик ва Қапчуғайда учтадан МФЙларда амалга оширилган хайрли ишлардан ушбу жамоа аъзолари четда турганлари йўқ. Улар мазкур қишлоқлар таниб бўлмас даражада янгича

қиёфа касб этишида, ҳашар тadbирларида бошқа корхона ва ташкилотлар аъзоларидан қолишмай меҳнат қилдилар.

Боғлама раҳбарлигини ҳам, деҳқончиликни ҳам дундирадиган, меҳнат билан ҳурмат-эътироф қозонаётган Бунёддон ўн беш йиллик фалиятини мобайнида филиалнинг барча жабҳалари “қозонида қайнаб”, заҳматларини тотиб кўргани яхши бўлган экан. Дастур доирасидаги ишлар унга яна бир синов бўлди ва у бу “имтиҳон”дан ёруғ юз билан ўта олди. Бир сўз билан айтганда, тобланди. “Дастурни амалга оширишга биз, алоқачилар кўшган ҳисса дарёдан бир томчи, холос”, дейди у камтарлик билан. Ваҳоланки, дастур бўйича салкам бир ярим ой кун-тун ишлашганидан яхши хабардорман. Оз фурсатларда туман марказидан Қапчуғайгача 7 км.ли оптик толали кабел ётқизилди. Болалар боғчалари, профи-

лактика инспекторлари хоналари, қатор корхона ва ташкилотлар интернетга уланди. Ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди ва мурожаатлар ўша куннинг ўзидаёқ ҳал этилмоқда. Бу ишларда кабел кавшарловчи Иброҳим Турғунов, линия монтажчи Беҳзод Бадилов, линия муҳандиси Ойбек Тўйчиев ҳамда Муҳиддин Мисиралиевларнинг хизматлари айниқса таҳсинга лойиқ. “Ягона ойна” менежери Эминжон Умаров, боғлама мутахассислари Масоҳат Маҳмудова, Дилбарой Шокирова, Рўздатжон Комилов, Зуҳра ва Робия Дадажоновалар ҳамда Маликахон Розикова кабилар исму шарифларини мамнуният билан тилга олиш жоиз. Уларнинг тезкорлик ва сифатли ишлашлари долзарб кунларда яна бир марта ўз баҳосини олди. Ўрни келганда шуни эътироф этиш керакки, туман ТБ жамоаси учун 2018 йил ниҳоятда омадли келди. Йил бошида бор-йўғи 48 портли DSLAM бор эди. Баҳор ойларида 128 рақамли иккита, кўп ўтмай 196 портли mini-MSAN, 24 портли SWITCH қурилмалари ўрнатилди. Айни кунда 1648та порт мавжуд. 2382та мижозни интернетга улаш имконияти яратилди. Жами мижозлар 1100 нафарни ташкил этмоқда. Бу рақам йил бошида 750 нафар эди, холос.

— Қисқа фурсатларда 1300 рақам яратилганга бел боғлаганмиз, — дейди боғлама бош муҳандиси Дадахон Рашидов. — Барчамиз, айниқса, тижорат агентларимиз аҳоли имкониятларини ўрганган ҳолда мижозларни кўпайтириб боришга муваф-

фақ бўляпмиз. Даромад режалари ҳам ошиғи билан адо этиляпти. Бўрбонлиқ, Повулғон, Полосон, Азимобод қишлоқларида яшовчиларнинг эҳтиёжларини қондириш юзасидан белгиланган ишлар бажарилмоқда. Марказдан олисроқда бўлган Оқбўйра ва Қизилтепа қишлоқлари аҳолисига Uzmobile хизматларини таклиф этияпмиз. Хуллас, ютуқларимиз талайгина. Бироқ қиладиган ишларимиз, зулдликда амалга оширилишини кутаётган вазибаларимиз ҳам жуда кўп. Одамлар “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали хизматларидан рози бўлишлари учун ҳар қанча бўлсин меҳнатга тайёрмиз...

Замон талаблари асосида ишлаш кўникмаларини эгаллаётган олтиариқлик телекомчилар ибратига ҳавасингиз келади. Улар мисолида жуда оз фурсатларда таҳсини тасанноларга арзигули ободлик йомушларини бажариш мумкинлиги яққол намён бўлди. Халқимизга бундайин эзгуликларга гайрат қилиш одатий ҳол бўлиб қолмоқда. Телекоммуникация соҳаси ходимлари даврдан ортада қолмай, ҳатто бир қадам илгарилаб бораётганлиги рост ва шундай бўлиши ҳам шарт. Электрон таълим, тиббиёт, тижорат, қўйингки, барча соҳалар юксак даражага етказилиши учун ҳам аввало телекомчилар масъул ва бунини бир дақиқа унутмаслик зарур.

Олтиариқлик азаматлар, олганингиз олтин бўлеин, кам бўлманг, деймиз.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ҚУЁШ ЯНГЛИФ НУР СОЧГАЙ УСТОЗ

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида ўтказилган “Қуёш янглиф нур сочгай устоз” мавзусидаги навбатдаги маърифат дарсида устозлар, ўқитувчи ва мураббийлар, уларнинг масъулиятли ҳамда шарафли меҳнатлари ҳақида сўз борди.

Ривоят қилишларича, IX асрда яшаб ижод этган икки буюк муҳаддис — Муҳаммад ал-Бухорий ва Абу Исо ат-Термизий яқин дўст ва ўзаро ҳамкор бўлган. Имом Бухорийдан ўн тўрт ёш кичик бўлган Термизий уни ўзига устоз деб билган. Термизий устозидан кўп нарсани ўрганади. Устоз шоғирдиннинг истеъдодини юқори баҳолар, у билан юзма-юз бўлганда, “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқдир” дея унинг мавқенин ўзиникидан баланд кўярди. Термизий ўз устози ва сафдоши Имом Бухорийнинг ҳурматини мудом жойин-

га кўяр, ҳеч қачон унинг гапини икки қилмас эди.

Истиқдол йилларида ўқитувчи меҳнатининг қадрланиши, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонларининг таъсис этилиши, I ва II даражали “Соғлом авлод учун” орденлари билан устоз-мураббийларнинг тақдирланиши ижобий воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Устозлик мақоми фақат таълим жараёнида эмас, балки жамиятимизнинг барча соҳаларига хосдир. У ана шу ҳислати билан қадрли. Мамнуният билан айтиш жоизки, ўз соҳасини пухта билган, тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар рес-

публика ички ишлар органлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлида бор педагогик маҳоратларини ишга солиб, катта натижаларни қўлга киритишмоқда.


ИИВ Академиясининг илмий даража ва унвонга эга 87 нафар ўқитувчи-мураббийи жамоат тартибини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ҳам олиб боришмоқда.

Ҳар биримизнинг ҳаётда устозимиз ва мураббийларимиз бўлган. ДФХда ҳам тажрибали мураббийлар хизматига янги келган ёш ходимларга иш тажрибасини ўргатмоқда. Ёш ходимлар мураббийлар ўғитини яхшилаб ўрганиб, улар каби бўлишга интилишлари керак.

Ф.АДНАЕВ,
ДФХ полковниги

ЭЛЕКТРОННАЯ АКАДЕМИЯ ЖДЕТ СВОИХ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ

В Узбекистане создан сайт «Электронная академия» <http://e-academy.uz>. Проект реализован при финансовой поддержке Фонда развития ИКТ при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.



Президент Узбекистана своим постановлением предоставил всем вузам, учреждениям послевузовского образования, переподготовки и повышения квалификации кадров, независимо от их форм собственности и подведомственности, право организовывать дистанционное обучение. В связи с этим самое время напомнить, что образовательная сеть ZiyuNET предлагает платформу для организации дистанционного обучения.

На сайте <http://e-academy.uz> создан удобный механизм для размещения лекций (в том числе и в медиа форматах) и проверки усвояемости через тестирование. Механизм авторизации позволяет лекторам компоновать свои лекции, а студентам отслеживать свою успеваемость.

Услуги платформы предоставляются бесплатно.

Создатели академии предлагают тестировать и пользоваться, приглашают преподавателей размещать свои курсы и тесты.

Вузам предлагается сотрудничество для использования имеющегося готового решения. Это удобнее, чем создавать заново свои платформы, что затратно, требует специалистов для разработки, защиты, сопровождения, требует наличия материальных ресурсов — серверов, хостинга и так далее.

Для начала зарегистрируйтесь (через ID.UZ) и протестируйте предлагаемую платформу.

ПРОЕКТЫ

В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА ВНЕДРЯЮТ QR BOOK: СТУДЕНТАМ БОЛЬШЕ НЕ НАДО ХОДИТЬ В БИБЛИОТЕКИ

Министерство инновационного развития Узбекистана запустило новый проект — карты QR Book.

Суть карты заключается в том, что отныне студенты не будут тратить время на поиск необходимой литературы и смогут получать онлайн доступ к учебным пособиям, виртуальной лаборатории и средствам мультимедиа с помощью телефона.

Для входа в инновационную библиотеку QR book учащийся должен загрузить QR code reader на свой смартфон, выбрать любую книгу на обратной стороне карты, выдавае-

мой, например, на лекции, и считать QR код. После этого можно будет наслаждаться чтением книги в машине, общественном транспорте, учебном заведении или на отдыхе.

Для совершенствования проекта в будущем на карту QR Book планируется размещение видео и анимации, фотоматериалов, лабораторных работ.

Первичная апробация данного проекта осуществляется в Ташкентском государственном стоматологическом институте. В дальнейшем запланировано внедрение карты во всех высших образовательных учреждениях.



УСЛУГИ

АИС «KADASTR XIZMATI 2.0»: РЕАЛИЗАЦИЯ РАЗОВОЙ АКЦИИ ПО ПРИЗНАНИЮ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ НА САМОВОЛЬНО ПОСТРОЕННЫЕ ЖИЛЫЕ ПОМЕЩЕНИЯ

20 апреля текущего года Президентом Республики Узбекистана подписан указ «О дополнительных мерах по социальной поддержке граждан и проведении разовой общегосударственной

акции по признанию права собственности на самовольно построенные жилые помещения». Во исполнение данного указа принято постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 июня 2018 г.

Для осуществления мероприятий, направленных на реализацию разовой общегосударственной акции, в рамках вышеупомянутых директив, ГУП «Геонинформ» была разработана и введена в действие автоматизированная информационная система «KADASTR XIZMATI 2.0».

С помощью сервисов АИС «KADASTR XIZMATI 2.0» до 1 мая 2019 года будет осуществляться регистрация права на самовольно построенные жилые помещения физических лиц, возведенные на самовольно занятом зе-

мельном участке или без получения разрешения на строительство.

Следует отметить, что акция по признанию права распространяется исключительно на самовольно построенные жилые помещения физических лиц. Нормы не распространяются на многоквартирные жилые дома, постройки на прилегающих к ним участках, а также на нежилые объекты.

В настоящее время Центры государственных услуг при Министерстве юстиции Республики Узбекистан посредством АИС «KADASTR XIZMATI 2.0» осуществляют эффективное межведомственное электронное взаимодействие с соответствующими государственными организациями.



Wi-Fi (симсиз тармоқлар)дан фойдаланиш бугунги кунда мамлакатимизда ҳам анча оммалашган. Демак-ки, мазкур тармоқларнинг ҳимоясини таъминлаш ҳам жуда муҳимдир. Шу боис Wi-Fi тармоқни яратишда куйидаги 5 маслаҳатга эътибор қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.



Wi-Fi ТАРМОҚЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА 5 УСУЛ

1. Тармоқ номи (SSID) трансляциясини ўчириш. Тармоқ номи (SSID)ни яшириш сизнинг тармоғингизга улашиб кўришга уринишларни кескин камайтиради. Чунки тармоққа улашиб учун зарур бўлган махфий сўз (парол)дан ташқари SSIDни ҳам киритиш талаб қилинади. SSIDни яшириб қўйиш учун Wi-Fi роутери соझамаларидан "Скрыть SSID/Hide SSID" танланади. Шунингдек, SSID номини танлашда ҳам мураккабликка эътибор бериш керак.

2. Мураккаб калит сўз. Улашиб нуқтаси яратилган пайтда калит сўзининг ўрнатилиши ва мураккаб бўлишини таъминлаш шарт. Чунки калит сўзининг мураккаблиги бузгунчи томондан ушлаб олинган шифрланган калитни дешифрлашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, вақти-вақти билан калит сўзини ўзгартириб туриш керак.

3. Уланувчи ускуналар филтрацияси. Тармоғингизни ҳимоялашнинг яна бир муҳим усулларида бири тармоққа улашиб мумкин бўлган ускуналарнинг идентификацион физик манзил (MAC-манзил)ларини тармоққа рухсат этилган ускуналар рўйхатида қўйиб қўйиш ва ушбу турдаги филтрлашни маршрутизатор соझамасидан ёки дастурий таъ-


минотдан фаоллаштириб қўйишдир. Бунда тармоққа уланган ускуна физик манзили рўйхатда бўлмаса, SSID ва калит сўз тўғри киритилса ҳам, мазкур ускуна тармоққа улана олмайди.

4. Маршрутизаторга улашиб. Қўшимча тарзда маршрутизаторга улашиб стандарт калит сўзини ўзгартириш лозим. Wi-Fi улашиб усуллари ускуна имкониятларидан келиб чиққан ҳолда охириги версиясига ўзгартириш (масалан, WPA2) ҳамда WPS улашиб тартибини ўчириб қўйиш керак. Чунки WPS тартибидеги улашибларни бузиш хавфи юқори ҳисобланади.

Маршрутизаторнинг физик жойлашишига ҳам эътибор қаратиш лозим ва иложи борида жисмоний ҳимояланган жойларга ўрнатиш тавсия қилинади.

5. Мониторинг. Тармоқни ҳар доим назорат қилиб бориш зарур. Уланган фойдаланувчилар, ўрнатиш соझамалар (калит сўзлар, филтрловчи рўйхатлар ва ҳ.к.) ҳамisha тармоқ администратори назоратида бўлиши керак. Қўшимча дастурий воситалар орқали реал вақтда тармоққа уланувчиларнинг назоратини ҳам ўрнатиш мумкин. Бундан ташқари, маршрутизаторнинг турига қараб мавжуд қўшимча соझамаларни ўрнатиш, масалан, тармоқлараро экранни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу соझамалар ҳам тармоқ хавфсизлигини оширади.

Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази



ФОЙДАЛИ ИЛОВАЛАР

МУСИҚА КИМНИКИ?

СМАРТФОН ОСОН АНИҚЛАБ БЕРАДИ

Қулоғингизга ажойиб мусиқа чалиниб қолди, ичингизгача титратиб юборяпти, бутун вужудингиз қулоққа айланиб тинглаяпсиз. Аммо қўшиқ (ёки мусиқа) номини, муаллифини билмайсиз. Қани имкони бўлса-ю таронани кўчириб олиб, хумордан чиққунча эшитсангиз.

Албатта, интернет, ижтимоий тармоқлар бор... Бироқ бундан-да оқилона воситалар бор, улар ҳам вақтдан ютиш, ҳам бўлар-бўлмас саволлар билан бировларнинг бошини қотириб юриш ташвишидан сизни халос қилади.

Демак, аввало, тинглаётган куйингиз кимникилигини аниқлаш учун сизга Android ёки iOS платформасида ишловчи смартфон, интернет ва мобил илова керак. Ҳозир бундай иловалар жуда кўп, биз энг оддий ва самаралиларига тўхталамиз.

Shazam

Бу рўйхатдаги "биринчи рақамли" илова — Shazam. iPhoneлар (App Store) ва Androidлар (Google Play)га мут-

лақо текинга ўрнатиб олиш мумкин. Кўчираемиз, ўрнатамиз, микрофондан фойдаланишга рухсат берамиз, акс ҳолда кўнгидаги-дек ишламайди.

Таронани топиш учун илованинг ўртасидаги катта тугма босилади ва смартфон овоз манбаи — радио, телевизор ва ҳоказоларга яқинлаштирилади.

Илова чет эл қўшиқларини ҳамирдан қил сугургандек осон аниқлаб беради, деярли 100 фойз натижа. Аммо ўзимизнинг машҳур қўшиқчилар ва тароналарни топиши ҳам чакки эмас. Масалан, "Болалар", Равшан Собиров, Шохруҳон, Азиз Ражабий...

Сониялар ичида нафақат тарона номи, балки унинг ижрочиси, мусиқий албом, тўплам, ҳатто у жойлаштирилган расмий сайтга ҳавола (бўлса, албатта) тақдим этилади.



SoundHound

Бу илова ҳам мутлақо бепул ва iOS ҳамда Androidларга мўлжалланган. Ишлаш тамойили деярли бир хил: ўртасидаги катта тугма босилса таронани қидиришга тушади.

Илова чет эл композицияларини деярли 100 фойз аниқликда топиб беради. Ўзимизнинг хонандаларимизни топиши учун улар нафақат "юқори проба"га

мансуб, қолаверса, чет эл интернет ресурсларида ҳам анча-мунча оммалашган бўлишлари лозим. Бу борада устунлик тўлиқ Shazam томонида.

Бироқ SoundHound бир ўзига хос жиҳати бор — қўшиқларни хиргойи қилсангиз ҳам имкон қадар тонишга ҳаракат қилади.



ФЕЪЛ-АТВОР —



Буюк миноралар самога томон кўтарилган қад-қоматлари билан салобатли кўринсалар ҳам, аслида уларни ушлаб турган асос ер остида бўлади. Болалигимда отам мени Бухоронинг машҳур Минораи Калон иншооти олдига олиб борган эдилар. Миноранинг салобатидан мени ҳаяжон босган. Бу миноранинг баландлиги 47,5 метр, унинг асоси ер сатҳидан 11,5 метр чуқурликда жойлашган. Уни қурган уста пойдевори мустаҳкам бўлмаган минора узоқ турмаслигини айтиб кетган.



Буларни айтишимдан мақсад шуки, асрларни писанд қилмай мағрур турган буюк иншоотларнинг барҳаётлиги уларнинг асоси билан боғлиқ. Улар мустаҳкам пойдеворлари боис вақтдан голиб келмоқдалар. Муваффақиятнинг ҳам тағзамини, миноралар каби асоси бор, бу — феъл-атвор. Шарқ донишмандларининг “Каломинг белгилар камолин” деган ҳикмати бор.

Ҳарвард университети тадқиқотларига кўра, одамнинг ишга кириши ёки ишда кўтарилишида феъл-атворнинг ўрни 85 фоиз, билим ва тажриба, у билган рақам ва далилларнинг ўрни 15 фоиз экан. Бахтга қарши, мамлакатларда таълимга сарфланаётган маблағнинг 100 фоизи ўқувчи ва талабаларга рақам ва далил ўргатиш учун сарфланади. Ҳаётда эса бу омил 15 фоизлик аҳамиятга эга! “Феъл-атвор” сўзи барча миллат луғатларидаги муҳим сўزلардан бири экани шубҳасиз. Боиси, шахсий ва касбий ҳаёт бевосита шу тушунчага боғлиқ. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ, сўзлагандим тегди бошимга таёқ”, “Инсон мақоми феъл-атвор,

ирода билан қўлга киритилади” деган фикрлари бунга мисол.

Биз доим ҳаётда ақли одамлар муваффақият қозонишига ишониб келганмиз. Энди бу нуқтаи назардан воз кечиш керак. Сўнгги тадқиқотларга кўра, “ақл коэффициенти” баланд бўлган одамларда эмас, ҳиссий ақл-заковат эгаларида ҳаётда галаба қозониш имконияти юқори экан. Айниқса, бунда инсоний фазилатларнинг ўрни юқори. Жумладан, Австралиянинг Гриффит университети профессори Артур Поропатнинг фикрига кўра, қуйидаги 5 фазилат инсонларга ҳаётда муваффақият қозонишларига хизмат қилади:

- Виждонлилик
- Самимийлик
- Мурасозлик
- Ҳиссий барқарорлик
- Очик феъл-атворлилик

Шу билан бирга, Карнеги технологиялар институтининг тадқиқотларига кўра, инсоннинг молиявий муваффақият қозонишида феъл-атворнинг аҳамияти 85 фоизни, бошқа билимларнинг ўрни 15 фоизни ташкил қилади.

5 ТАВСИЯ

Тақдирни тасодиф эмас, танловларимиз яратади. Геродотнинг фикрича, тақдир кўнглимизнинг акси экан. Қуйида сизнинг муносиб тақдирингизда муҳим аҳамият касб этадиган беш кўникма ва тавсияларни эслатиб ўтмоқчиман.

1) Биз амалга ошираётган барча ҳаракатлар бизнинг ҳис-туйғуларимизни ўзгартиришга қаратилган бўлади. Мисол учун, қўрқаётган одам бекинади, жим туради, бўйсунди, ён беради, тилёгламалик қилади.

БИРИНЧИ ТАВСИЯ: Қўрқман! Голиб бўлиш учун курашишга ўрганинг!

2) Жисмоний ҳолат устидан ўрнатилган назорат: саломатликка эътибор, ўзингизни кучли деб ҳис қилиш ҳамда ғайратли бўлиш.

ИККИНЧИ ТАВСИЯ: Жисмоний фаол бўлинг, энг оғир дақиқаларда ҳам ўзингизда қўшимча қувват топа олинг, ҳар дам ғайратли бўлинг!

3) Муносабатларни назорат қила олиш: Бу кўникма сизга керакли эшикларни очиб бериши ёки очик эшикларни ёпиб қўйиши мумкин бўлган энг муҳим омил эканини ёдда сақланг.

УЧИНЧИ ТАВСИЯ: Самимий бўлинг!

4) Пулга эгаллик қилиш кўникмаси: муваффақият бевосита молдий ҳолатнинг яхшиланиши билан боғланади. Сизни камбағалликка гирифтор қилган омиллари аниқланг. Шу билан бирга, бойликдан тўғри фойдаланишга дахлдор ҳис-туйғуларни ҳам ўзингизда шакллантириб бординг.

Тўртинчи тавсия: Сизни толган пулингиз эмас, уни қандай сарф қилиш одати бой қилади.

5) Вақтни қадрлаш: бу кўникма фақатгина вақтни тўғри тақсимлаш дегани эмас. Вақтни қадрлаш гоёларни амалга ошириш, яратувчанликни олға суриш, салоҳиятингизни намоиш қилишда намоён бўлади.

Бешинчи тавсия: Сиз вақтингизнинг кейинги беш йиллиги, ўн йиллиги ҳаётингиздаги, жамиятдаги нимани ўзгартириши мумкинлигини ҳисобга олинг.

Шухрат САТТОРОВ

▶ ТРЕНИНГ

БОСМА ОАВни ҚАНДАЙ ЯХШИЛАСА БЎЛАДИ?


Термизда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан “Худудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар” мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятидаги газеталар бош муҳаррирлари, республика нашрларининг воҳадаги мухбирлари иштирок этди. Семинарда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети доценти А.Каримов “Худудий нашрларнинг бутунги ҳолати: менежмент ва маркетинг йўналишларидаги муаммолар ва яхшилаш бўйича таклифлар” мавзуида маъруза қилди. Маърузада

таъкилланишича, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги пайтда газеталарнинг яшаб қолиши учун ҳар бир нашрнинг ўз сайтини ташкил этиш лозим.

Эркин мулоқот шаклида ўтган тадбирда “Сурхон тонги” вилоят газетаси бош муҳаррири ўринбосари С.Омонқуловнинг таъкиллашича, журналистика факултетларидан вилоят босма нашрларига амалиётни ўташ учун келаётган бўлажак мутахассисларнинг 98 фоизи умуман газета ва нашриётлар технологиясини билмайди. Дизайн бўйича етарли тасаввурга эга эмас.


Бундай тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА



БАРЧА ХИЗМАТЛАР БИР ЖОЙДА

Урганч марказий деҳқон бозорига харажат учун кирган Гулсанам опа Маннонова анчадан бери кўришолмаган дугонаси Дилрабони учратиб қолди. Хурсанд бўлган Гулсанам ая дугонасини қаттиқ қучоқлади. Иккаласи мириқиб суҳбатлашишди. Гап орасида Гулсанам опа дугонасидан қаерга кетаётганини сўради.



Жисмоний шахсларга СТИР берилиши ҳам Давлат хизматлари марказида амалга оширила бошланди.

— Неварамни ўзим хоҳлаётган боғчага беролмаяпман. Урин йўқ дейишяпти, устига устак қатнайвериш ҳам қийнаб юборди, — нолиди муаммосига ечим тополмаётган Дилрабо опа.

— Замондан орқада қолиб кетаётган инсондек гапирасан дугонажон. Ташвиш қилма ҳозир шаҳар Давлат хизматлари марказига обораман, бир пасда муаммойинг ҳал бўлади. Ўзим яқинда ўлимнинг хужжатларини Тошкент давлат юридик университетига топшириш учун Давлат хизматлари маркази орқали онлайн тарзда жўнатдим ва аби-туриентлик гувоҳномасини олдик. Ишонмайсан, атиги 10-15 дақиқа ичида хужжатларни қабул қилишди. Йўл харажатлари тежалди, бўш вақтини яна тайёргарлик билан тўлдириди.

— Вой ростанми, нимага мен шу пайтгача бу ҳақда билмадим?! Бу марказ қаерда жойлашган дугонажон, — деди хурсандчилиги ичига сиғмаётган Дилрабо опа.

— Вилоятимизнинг барча туманларида бундай марказлар фаолият юритмоқда. Сенинг уйинг туман марказидан анча узоқда. Лекин, Давлат хизматлари маркази ходимлари ана шу чекка ҳудудларга бориб,

аҳоли муаммосини ўрганишяпти ва аризаларни ҳам уйма-уй юриб қабул қилишяпти.

— Бу қандай имконият бўлди? Ана сюрприз-у мана сюрприз. Яхши-ку, манзилимиз яқин бўлиб, вақтимиз ҳам тежалладиган бўлибди-да!

— Дугонажон, бу ҳали ҳаммаси эмас, марказларда аҳоли учун энг керакли бўлган 70дан 100 тургача бўлган хизматлар

кўрсатилади...

Юртимизда инсон манфатларини ҳар жиҳатдан ўйлаб, фуқаролар учун давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, неча йиллардан бери ижобий ечимини кутаётган масалалар бугунги кунда Давлат хизматлари марказлари томонидан бир жойнинг ўзида ҳал этилмоқда.

— Яқин-яқингача аҳолини ўйлантириб келаётган бир муаммо бор эди-ки, бу ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга мулк ҳуқуқини олиш масаласи бўлиб, айтиш мумкинки, деярли мана шу масалани ҳеч қандай ижобий ечим йўқ эди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мўминжон Атаев. — Юртбошимизнинг жорий йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармони кучга кириши халқимиз учун зўр имконият бўлди.

Умуман олганда, жорий

йил 1 июндан белгиланган Давлат хизматлари марказлари орқали тажриба тарихида Хонқа туманида 31та қўшимча талаб юқори, туғилганликни ва ўлимни қайд этиш, ФХДЁ органлари томонидан архив хужжатлари, такрорий гувоҳномалар бериш, Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш, судланганлик ҳақида маълумотнома, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома, туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш, электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини ўрнатишга ариза бериш каби хизмат турлари кўрсатилади.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлар эдим, ҳудудларда “Обод қишлоқ” дастури доирасида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этаётган ходимларимиз маҳаллаларда жойлашган хонадонларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини жаддалик билан олиб боришмоқда. Хусусан, имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахслар шу ернинг ўзида қабул қилиниб, 11 иш кунини ичида аризаларга ижобий жавоб олишди. Дастур доирасидаги ишлар фаоллик билан жойларда давом эттирилмоқда. Яқиндан, яъни 1 сентябрдан жисмоний шахсларга СТИР берилиши ҳам Давлат хизматлари марказида амалга оширила бошланди. Бу халқимизга яратилган имкониятлардан бири бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланади шиори остида халқимизга кўрсатилаётган хизматлар уларнинг фаравон ҳаёт кечиришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.


Нилуфар ЖАББОРОВА,
“Хабар”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланади шиори остида халқимизга кўрсатилаётган хизматлар уларнинг фаравон ҳаёт кечиришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



ФОТОХАБАР

Энди Тошкент шахрининг Яккасарой тумани Давлат хизматлари марказига хизмат олувчилар билан бирга келганлар учун Амир Темур ҳаёти, Қобуснома, ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти асарлари билан ўқиб-танишиш имконияти яратилди. Яхши тажриба: кутувчилар зерикиб қолишмайди, бекор ўтиргандан китоб варақлаган афзал-да, нима дейсиз?!




ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА “ТАРАҚҚИЁТ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизimini яратиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга қўмаклашиш мақсадида ҳар 3 йилда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови ўтказилади.

Танловда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимида камидан уч йиллик иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

“Тараққиёт” республика танловидан талабгорлар 16та номинация бўйича ўз соҳасидан келиб чиқиб иштирок этиши мумкин. Хусусан:

1. Давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
2. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
3. Молия-кредит соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
4. Саноат соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
5. Аxbорот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
6. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
7. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
8. Коммунал хўжалик соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
9. Солиқ ва божхона соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
10. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
11. Таълим, фан ва инновация соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
12. Солиқни сақлаш соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
13. Маданият, санъат ва спорт соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
14. Таъқиқ сиёсати, таъқиқ иқтисодий фаолият ва туризм соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
15. Макроиқтисодиёт ва ҳудудий ривожланиш соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.
16. Транспорт ва логистика соҳасидаги энг яхши бошқарувчи.



Давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг танловда иштирок этиш даврида эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Танлов ғолибларига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан, финал босқичининг қолган иштирокчиларига эса энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти тўланади. Танлов финал босқичининг қолган иштирокчилари тегишли соҳанинг бошқарув кадрлари захирасига киритилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази базасида тегишли соҳага оид вазирилари, идоралари, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда олимлар иштирокида ўтказилган, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировка ўташни ўз ичига оладиган “Бошқарув кадрларини

тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ уч ойлик курсларда ўқийди. Курсларни тамомлагач, тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинланади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар 2018 йилнинг 1 октябридан 30 октябрга қадар онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин. Батафсил маълумот taraqqiyot-tanlov.uz порталида жойлашган.

Мазкур порталдан рўйхатдан ўтгандан сўнг талабгор анкетаси тўлдирилади. Унда талабгор ҳақида тўлиқ маълумотлар базаси қамраб олинади.

Танлов иштирокчилари анкетада белгиланган шаклдаги ишончли маълумотни кўрсатиши шарт. Анкетага нотўғри маълумотни киритиш иштирокчини танловдан четлатишга сабаб бўлиши мумкин.

Иштирокчиларнинг анкеталарини ўрганиш учун ишчи гуруҳ таркиби танлов комиссиялари томонидан шакллантирилади. Ишчи гуруҳлари сони ва уларнинг аъзолари таркиби ҳар бир номинацияга тақдим этилган аризалар сонига бoғлиқ ҳолда шаклланади.

Танлов иштирокчилари ўзлари томонидан тақдим этилган анкета қайси номинацияга тегишли бўлишини мустақил равишда белгилайди. Анкета кўриб чиқилаётганда ишчи гуруҳ вакиллари анкетани иштирок этган шахс кўрсатган соҳадаги иш тажрибасига қараб номзодликни ўзгартиришни тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Танловнинг веб-порталида кейинги танлов турида иштирок этувчилар рўйхати, танлов ўтказилиш кунни, жойи эълон қилиб бoрилади.

Веб-порталга келиб тушган анкеталар ўрганилади, талабгорлар ақлий салоҳият (IQ-тест), психологик барқарорлик, хорижий тилларни билиши, сиёсий ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлардан хабардорлик даражаси бўйича онлайн тестдан ўтказилади.

Хорижий тилни билиш даражаси расмий тасдиқлангани ҳақидаги халқаро сертификатлар

мавжуд бўлган (B2 – CEFR (Common European Framework of Reference), 5,5 балл – IELTS (International English Language Testing System) ва 72 балл – TOEFL (Test of English as a Foreign Language) иштирокчилар хорижий тилларни билиши даражаси бўйича тестлардан овоз қилинади. Ушбу иштирокчиларга танловда максимал балл қўшиб берилади.

Эъза синовлар ва стажировка босқичида онлайн тестлардан муваффақиятли ўтган талабгорларга эъза тахлилий материаллар (маъруза) тайёрлаш учун ҳар бир номинация бўйича муаммоли, амалиёт билан беvosита бoғлиқ бўлган, тахлилий фикрлашни назарда тутувчи, ҳар бири 5 саволни қамраб олувчи тезислар берилади.

Талабгорлар томонидан тегишли номинациялар кесимида 5 саволни қамраб олган мавзу бўйича тайёрланган эъза тахлилий материаллари (маърузалар) текшириш натижасида иштирок этувчилардан 300 нафар талабгорлар танлаб олинади.

Талабгорларнинг гуруҳда ишлаш кўникмаси, профессионаллик даражаси ва бошқарув қobiliятини аниқлаш мақсадида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ташкилоти ва идораларига бир ойлик стажировка ўташ учун жўнатилади.

Бир ойлик стажировка ва талабгорларнинг ташкилотчилик қobiliяти ва бошқарувчилик салоҳиятини аниқлашга қаратилган эъза тест синови натижаларига асосан танловнинг финал босқичига тавсия этилган 150 нафар талабгор аниқланади.

Гуруҳларда муаммоли вазиятларни (кейслар) ечиш ва суҳбат жараёни бўйича танловнинг финал босқичига тавсия этилган 150 нафар талабгорнинг рўйхати, синовлар ўтказилган сана, вақт, жой ва шартлари танловнинг веб-порталида эълон қилинади. Кейсларни ечиш жараёни ва талабгорларнинг ҳар бири билан шахсан ўтказилган суҳбат натижаларига кўра танловнинг 50 нафар ғолиби аниқланади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар 2018 йилнинг 1 октябридан 30 октябрга қадар онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин. Батафсил маълумот taraqqiyot-tanlov.uz порталида жойлашган.

СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР ВА ҲОЙДАЛАНИЛМАГАН ИМКОНИЯТЛАР

Шунингдек, транспорт ва логистика соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашнинг халқаро тизими, халқаро юк ташиш

учун замонавий шарт-шароитлар ва божхона-чегара тартибларини ишлаб чиқиш масалалари, йирик транспорт йўналиш-

лари бўйича логистика марказлари, божхона омборлари ҳамда ТПР-парклар тармоғини яратиш мавзуси ва бошқа кўплаб масалалар кўриб чиқилди.

“Темир йўл транспортини ривожлантиришнинг жаҳон ва минтақавий тенденциялари” секцияси Марказий Осиё мамлакатлари темир йўллари соҳасида ахборот технологиялари, маркетинг ва рақамли транспорт хизматларини жорий қилиш, темир йўл тарифларини тартибга солиш, шу жумладан, Ўзбекистон экспорт қилувчи корхоналари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ва такомиллаштирувчи янги технологияларни яратиш учун жаҳон ва Марказий Осиёдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси истиқболларига бағишланди. Шунингдек, Марказий Осиёдаги мавжуд темир йўл транспорт коридорлари ва темир йўл тармоғи билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Учинчи секция “Автомобил транспортини янада такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик: хорижий тажриба ва миллий тажриба” иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларининг автомобил транспорти-

да ахборот, маркетинг ва рақамли транспорт хизматларини жорий этиш, шунингдек, асосий транспорт коридорлари бўйлаб халқаро автомобил транспортини ривожлантириш учун инновацион технологиялардан фойдаланишни муҳокама қилдилар.

“Марказий Осиёда ҳаво транспортини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” секциясида иштирокчилар жаҳон ва Марказий Осиёдаги ҳаво транспортининг бугунги аҳволи ва истиқболга, халқаро авиаташувларни ривожлантиришга, Марказий Осиё мамлакатларига хорижий авиакомпанияларни жалб қилишга, Марказий Осиёда ҳаво йўналишларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга, Марказий Осиё мамлакатларида терминаллар ва логистика марказлари, почта жўнатмалари марказларини яратиш ва бошқа масалаларга эътибор қаратишди. Анжуманнинг иккинчи кунини, яъни бугун конференциянинг хорижий меҳмонлари Самарқандга келиб, “MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонасида бўлишди.

Ўз мухбиримиз

Маълумот:

Нуфузли анжуманда 37 мамлакатдан 300дан ортиқ меҳмон қатнашмоқда. Улар орасида Жаҳон банки, ОТБ, ИТБ, ЕТББ, ОИИБ, БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти, Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси, ЕХХТ, ГХХЖ, ШХТ, ИХТ, МДХ, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури, ТРАСЕКА дастури, Халқаро автомобил транспорти уюшмаси, Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти каби халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва етакчи транспорт компаниялари вакиллари бор.

■ Транспорт бўйича халқаро конференция тафсилотларини 50дан ортиқ ОАВ вакиллари ёритди. Халқаро конференция ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтадиган шўъба йиғилишлари ҳақидаги тафсилотларни тезкорлик билан ёритиб бориш учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказда замонавий компьютер, юқори тезликка эга интернет, Wi-Fi тармоғи ва бошқа барча қулайликлар яратилган. ОАВ вакиллари халқаро конференция тафсилотларини шу ернинг ўзидан туриб тўғридан-тўғри онлайн узатишди.

◀1-бет.



● Реклама

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” акциядорлари диққатига!!!

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини қақриш тўғрисида

Сизни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк” биносининг мажлислар залида 2018 йил 29 сентябр куни соат 10.00да бўлиб ўтадиган АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

“АТ “Алоқабанк” Кенгаши тўғрисида”ги ва “АТ “Алоқабанк” Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

АТ “Алоқабанк”нинг янги таркиб-

да банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

АТ “Алоқабанк”нинг янги таркибда Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2018 йил 20 сентябрдаги йиғилиши



қарорига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2018 йил 25 сентябр куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акци-

ядорлар рўйхати 2018 йил 20 сентябр куни ҳолатига тузилди.

Банк акциядорларини ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2018 йил 29 сентябр куни соат 9.00дан 9.50гача давом этади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда уларнинг вакилларидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маълумотлари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк”да танишишингиз мумкин.

Банкнинг электрон почта манзили: sb@alokabank.uz.
Маълумот учун телефон: (+99871) 232-83-67.



Жанубий ва Шимолий Корея: Миллатнинг биргаликдаги кучи билан тинчлик ва фаровонлик сари

Дунёда давлатлар ва миллатлараро турли низолар, қуроли тўқнашувлар кучайиб бораётган бир пайтда Жанубий ва Шимолий Корея давлатларининг ўзаро тинчлик ва дўстлик алоқаларини кенгайтириш, гина-қудуратларни унутиб, ягона миллат сифатида бирлашиш томон қилаётган сазой-ҳаракатлари сиёсатчилар томонидан ҳайрихоҳлик билан қузатиб борилаётган. Айниқса, Жанубий Корея президенти Мун Чжэ Иннинг 18 сентябрдаги КХДРга қилган ташрифи икки корейс халқи бирдамлиги йўлида салмоқли қадамни бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, КХДР ҳукумати ҳам, халқи ҳам бу ташрифга жуда катта ҳозирлик қўлди. Жанубий Корея президенти Мун Чжэ Инни Пхеняндаги аэропортида шахсан Ким Чен Ин кутиб олди. Президентлар кучоқлашиб қўришдилар. Жанубий Корея етакчисининг турмуш ўртоғи Ким Чжон Сукни КХДР биринчи хоними Ли Сол Чу қарши олди. Корейс халқ армиясининг ҳарбий оркестри кутлов маршини ижро этди.

Пхенянд аҳолиси Жанубий Корея президентини "Миллатнинг биргаликдаги кучи билан тинчлик ва фаровонлик даврини очамиз!", деган ёзувли транспарантлар, Шимолий Корея байроқлари ва Корея яриморалининг оқ фонга кўк рангдаги тасвири туширилган ягона Кореянинг рамизи байроқлари ҳамда туллар билан қарши олди.

Жанубий Корея президентининг Пхенянда ташрифи уч кун давом этди. Музокараларнинг бош мавзуси Корея яриморалини ядровийсизлантириш бўлди.



Музокаралар кун тартибига учта асосий мавзу киритилди: икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш, Шимолий Корея ва АҚШ ўртасидаги ядровийсизлантириш бўйича музокараларнинг бориши, Корея яриморалида ҳарбий таранглик даражасини пасайтириш ва уруш хавфининг олдини олиш.

Музокаралар қутилганидан ҳам юқори даражадаги дўстона руҳда ўтди. Корейлараро саммит натижаларига кўра қўшма баёнот қабул қилинди. Икки томоннинг турли вазирлик ва идоралари томонидан келишувларга эришилди. Бу борада ҳарбий соҳадаги келишув алоҳида аҳамиятлидир. Унга кўра, томонлар ҳарбий соҳада Корея яриморалини ядровийсизлантириш бўйича қўйилаётган қадамлар, 80 км.лик тинчлик ҳудудини яратиш, қуроли тўқнашувларнинг олдини олиш учун зарур чоралар қабул қилишга келишиб олишди. Шунингдек, икки давлат мудофаа вазирлари қуролсизлантирилган ҳудуд яқинида йирик қўламли артил-

лерия машғулотлари ва ҳарбий парвозлар ўтказмасликни таъминловчи муҳим ҳужжатни имзоладилар. КХДР ва Жанубий Корея қуролсизлантирилган ҳудуддан ҳарбийларни олиб чиқиш ва Пханмунжон чегараолди маскани ҳодимларини қуролсизлантиришга қарор қилди. Шунингдек, Пхенянд Тончхоннида бузиладиган ракета полигонига халқаро қузатувчилар келишига рухсат берилган бўлди.

Икки Корея етакчисининг спорт соҳасидаги ҳамкорликни таъминлаш келишуви ҳам таҳсинга лойиқ. Президентлар Токиода ўталган 2020 йилги ёзги Олимпиадага ягона жамоа юборишга, 2032 йилги Олимпиадани биргаликда ўтказиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олди. "Жануб ва Шимол халқаро мусобақаларда ягона жамоа бўлиб иштирок этишга ҳамда 2032 йилги Олимпиадани биргаликда ўтказиш учун ҳамкорлик қилишга қарор қилишди", деб айтилган қўшма баёнотда.

Қўшма баёнотнинг яна бир муҳим

бандларидан бири жорий йилдаёқ икки давлат темир йўл ва автомобил йўллари бирлаштириш бўйича ишларни бошлаш ҳақидаги келишув бўлди.

Музокараларда эришилган энг муҳим натижа бу каби дўстона бонд-келдиларни бардавонлигини таъминлашга эришув бўлди. Гап шундаки, Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин яқин орада Сеулга ташриф буюришга ваъда берди. Албатта, бу қўшма баёнотда мустақамлаб қўйилди. Агар КХДР етакчиси ваъдасида турса, бу унинг Жанубий Кореяга илк ташрифи бўлади.

Икки етакчининг баёнотини дунёнинг қўлаб сиёсатчилари қўллаб-қувватлашган. Жумладан, АҚШ президенти Доналд Трамп Шимолий Кореянинг Пхеняндаги саммит натижаларига кўра берган баёнотидан жуда руҳланганини айтган. "Корея яриморалида тинчлик ўрнатишни таъминлайдиган жуда ноёб бу имкониятни қўлдан чиқармаслик керак, — деган Хитой ташқи ишлар вазирлиги Ван И. — Музокараларда эришилган келишувлар яриморалда яшовчи бугун аҳолининг бахтли яшашини таъминлайди ва барча мамлакатлар, жумладан, Хитой халқининг интилишларига мосдир".

Ташқи сиёсатда ҳар қандай низони, қарама-қаршиликни фақат тинч сиёсий йўл, музокаралар орқали ҳал этиш тарафлари бўлиб келаётган Ўзбекистон ҳам Жанубий ва Шимолий Корея етакчилари сазой-ҳаракатларини мамнуният билан қўллаб-қувватлайди ҳамда икки корейс халқига бирдамлик йўлида ҳамфикрлик тилайди.

Ил-20 самолёти уриб туширилгани маълум бўлди

Россиянинг Ил-20 самолёти бортида 14 нафар ҳарбий хизматчи билан Сурия ҳаво мудофааси қучлари томонидан уриб туширилган бўлиши мумкин.

CNN телеканали маълумотларига кўра, самолёт Исроил ҳарбий-ҳаво қучларининг ҳужумини қайтариш пайтида тасодифан уриб туширилган. Ҳукуматдаги яна бир манбанинг тасдиқлашича, Суриянинг Латакия вилоятига зарбалар Исроил самолётлари томонидан берилган. Аввалроқ, Суриядаги Ҳеймим авиабазаси 17 сентябрда Россиянинг Ил-20 радиолокацион разведка самолёти экипажи билан алоқани йўқотгани хабар қилинган. Маълум қилинишича, 17 сентябр кечки вақт Сурия ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимлари Латакия шаҳрига ракета ҳужумини қайтарган. Суриялик ҳарбий манбанинг таъкидлашича, ҳужум денгиздан амалга оширилган, бир неча ракета мўлжалга уриб туширилган.

АҚШ ҳарбий-денгиз қучлари 6-флотидан матбуот хизмати вакили Кайле Рейннинг маълум қилишича, Қўшма Штатлар Россияга Ил-20 самолётининг ўрта Ер денгизига қўлаган жойидаги қидирув ишларини ўтказишда ёрдам бериши мумкин.



БМТ музокараларга тўсқинлик қилмайди

БМТ бош котиби Антониу Гутереш ташкилот Қўшма Штатлар ҳамда Шимолий Корея музокаралари жараёнига аралашиб ниятида эмаслигини маълум қилди. Унинг фикрига кўра, учинчи томоннинг ташаббуслари музокара жараёнига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу билан бирга, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти АҚШ ва КХДР ўртасидаги келишувлар асосида ўз ўрнини эгаллашга тайёрлигини билдирди. "Биз музокараларга аралашиб ёки параллел ташаббуслар билан чиқиш ниятида эмасмиз", — деган Гутереш. Бош котибнинг таъкидлашича, АҚШ президенти Доналд Трамп ва Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин ўртасидаги музокаралар "жуда муҳим"дир.

Абз Японияни 2021 йилгача бошқариши мумкин

Японияда ҳукмрон бўлган Либерал-демократик партия аъзолари мамлакат Бош вазир Синдзо Абэни ўзларининг раиси этиб қайта сайлашди. Бу ҳақда Kyodo хабар бермоқда. Таъкидлашишича, овоз бериш жараёнида Абэ 810 овоздан 533тасини қўлга киритган, унинг рақибни япониялик сиёсатчи Сигэру Исиба эса 254 овозга эга бўлди.

Овоз бериш натижаларига мувофиқ, шу тариқа Абэ агар ЛДП ҳукмрон партия бўлиб қолса, 2021 йилгача мамлакат ҳукумати раҳбари лавозимини эгаллайди.

Кичик Буш македонияликларга мурожаат қилди

АҚШ собиқ президенти кичик Жорж Буш Македония халқига мурожаат қилди ва уларни мамлакат номи ўзгаришига олиб келувчи Греция билан келишув учун овоз беришга чақирди. "Мен барча македонияликларни бу тарихий қарорда иштирок этишга ва умумхалқ референдумида овоз беришга чақираман", — дейилган Бушнинг Македония аҳолисига мурожаат билан чиққан мактубида. Мактуб Грециянинг "Вима" газетасида чоп этилган.

Жорий йилнинг 30 сентябр кунини Македонияда мамлакат номини ўзгартириш тўғрисида референдум ўтказилади. Агар фуқаролар бу қарорни қўллаб-қувватлашса, мамлакат НАТО ва Европа иттифоқига кириш имкониятига эга бўлади.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ИНСОН ВА КОМПЮТЕР


Сунъий интеллект ва буг машинаси

McKinsey таҳлилчилари хулосасига кўра, сунъий интеллект (СИ) бугунги кунда иш унумдорлигини оширишга XIX асда бугда ишловчи двигателлар кириб келгандаги каби ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳисобига

жаҳон иқтисодиёти 2030 йилда 13 трлн. долларга ўсиши кутилмоқда, глобал ЯИМ эса 2030 йилга қадар қўшимча 1,2 фоизга кенгайди.

Сунъий интеллект ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тафовутни янада катталаштириб юбориши мумкин: СИ фаол қўлланилиши натижасида илгор мам-



лакатлар иқтисодиёти қўшимча 20-25 фоизга ўсса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 5-15 фоиз атрофида бўлади.

Юқори “рақамли” кўникмали касб эгаларига талаб янада ошади. Бу иш ҳақларида аксини топиб, истеъдодли ходимлар учун курашни янада авжига чиқаради.

Салбий жиҳатлар сифатида ўтиш даврида технологиялар бўйича кўникмаси паст ходимларнинг иш ўринлари қисқартирилишини айтиб ўтиш мумкин. Башорат қилинишича, жаҳон бўйича камда 14 фоиз ходимлар ўз мутахассислигини, ишини, ҳатто яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлади.

РОБОТЛАР

Роботлар 75 миллионга иш ўрнини йўқ қилиб, 133 миллионга янгисини яратади



Замонавий технологиялар тараққиёти натижасида яна тўрт йилдан сўнг 75 миллион киши ўз иш ўрнини йўқотиши мумкин. Аммо худди шу технологиялар 133 миллионга янги иш ўрни

яратилишига сабаб бўлади. Бу ҳақда WEF ташкилоти, Strategy Partners консалтинг компанияси ҳамда Евроисб рақобатбардошлик институти тайёрлаган маърузада маълум қилинган.


Маърузани тайёрлашдаги сўрвномада 20 мамлакатдаги жуда кўплаб компаниялар қатнашди.

Мана шу маърузага кўра, айни пайтда глобал меҳнат бозоридида иш соатида технологияларнинг интеграцияси қарийб 29 фоизни ташкил қилади. 2025 йилда бу кўрсаткич 50 фоизга етади ва меҳнат бозоридида жиддий ўзгаришлар ясайди.

2017 йили ишга сарфланган вақтнинг 29 фоизи машиналар, сунъий интеллект зиммасига тўғри келган, 2025 йилда эса аксарият операциялар роботлар қарданига юкланади.

Сўрвномада аксарият компаниялар ишчи кучи қиймати ошиб кетишидан хавотирини билдирган.

ҲОДИСА



Samsung Galaxy Note 9 эгасининг сумкасида портлаб кетди

АҚШ фуқароси Диана Чунгнинг сумкасидаги Samsung Galaxy Note 9 телефони портлаб кетди, дея хабар берди “РИА Новости” ахборот агентлиги. У энди Жанубий Кореянинг Samsung компаниясини судга бермоқчи.

Динананинг айтишича, воқеа Лонг-Айленд шаҳрида, лифтда содир бўлган. У янги телефони жуда қизиб кетганини сезган ва уни сумкасида солган. Шундан сўнг ундан тутун чиқа бошлаган.

Динананинг адвокати телефон портлашидан қизнинг бармоқлари қуйганини айтмоқда.

БОЗОР

Apple — смартфонлардан энг кўп фойда олувчи бренд

Counterpoint Research маълумотларига кўра, 2018 йил иккинчи чорагида жаҳон смартфонлар бозоридида Утган Йилнинг шу чорагидагига нисбатан 4 фоизлик ўсиш қайд этилди. Ўз флагман смартфонларини фаол илгари сурган Хитой компаниялари бу жараёнда муҳим рол ўйнади. Уларнинг умумий чораклик даромади илк маротаба 2 млрд. доллардан ошди — бу глобал бозорнинг қарийб бешдан бир қисмидир.

Apple — смартфонлардан энг кўп фойда олув-

чи бренд бўлиб қолмоқда, глобал бозордаги улуши — 62 фоиз.


Samsung фойда кўрсаткичлари анча пасайиб кетди ва унинг халқаро бозордаги улуши 17 фоизни ташкил этмоқда.

Даромад бўйича кейинги ўринларда хитойликлар: Huawei (8 фоиз), OPPO (5 фоиз), vivo (4 фоиз) ва Xiaomi (3 фоиз).

Қолган 1 фоиз даромад эса 60дан зиёд брендга тегишли.

Global Handset Profit Share by Brands - Q2 2018

■ 2016 Q2 ■ 2017 Q2 ■ 2018 Q2



ТЕСТ

Экспертлар аккумулятори энг яхши iPhone ни аниқлашди

Экспертлар аккумулятори энг яхши iPhone ни аниқлашди. Қатор синовларни ўтказиб улар шундай тўхтамга келишди: бу “айфон” бошқаларидан бир ярим баравар кучли. Бу ҳақда PhoneArena хабар берди.

Гап янги чиққан iPhone XR ҳақида кетмоқда: мутахассислар уни iPhone 8 ҳамда iPhone 8 Plus билан таққослаб кўришди.

Синовлар iPhone XR бир қувват олишда ўта юқори босим билан ишлатилганда 16 соат чидаб беришини кўрсатган. Фақат мусиқа тингланса у тинмай 50 соат ишлаб беради. Яъни қуввати iPhone 8 Plusга нисбатан бир ярим баравар кўп вақтга етади.

iPhone XR октябр ойининг иккинчи ярмида сотувга чиқарилиши кутилмоқда.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Аёлини йўқотган эр ҳикоя қилади: “Оқшом уйга келганимда аёлим кечки дастурхонни ҳозирларди. Қўлидан тутиб унга гапим борлигини айтдим. Жим овқатлана бошлади, кўзларида кўрқув бор эди. Бир онда кичрайгандим гўё, оғзимни очолмасдим, лекин фикрларимни айтишим керак эди. Ажрашмоқчилигимни айтдим. Асабийлашмади, гапимга жавоб қайтармади, фақат сабабини сўради. Жавоб беролмадим, бунга асабийлашди. Қўлидаги санчқи, пичоқларни отиб юборди. Менга бақирди ва одам эмаслигимни айтди.

Уша кеча бирор оғиз гаплашмадик. Хотиним тун буйи йиғлади. Турмушимизга нима бўлишидан хавотирланарди, лекин уни қониқтирадиган гап айтолмасдим. Мен Жанага ошқ бўлдим, хотинимни севмасдим энди. Бу виждон азоби билан бир битим тайёрладим. Уй, машина ва ширкатнинг ўттиз фоизини унга берадиган бўлдим. Шартномага бироз қараб турди ва йиртиб ташлади.

Ўн йил бирга яшаган хотиним менга бегона бўлганди. Унинг сарфлаган умрига, куч-қувватига ачинардим, лекин орқага қайтолмасдим, Жанани қаттиқ севардим. Кейин бақриб-бақриб йиғлай бошлади, буни кутмагандим. Ажрашиш фикри миямга ўрнашиб қолганди, энди бу туйғуни қаттиқроқ ҳис этардим ва тўғри қарор эди.

Кейинги оқшом уйга кеч келдим ва хотинимни столда



КЕЧИККАН ГУЛДАСТА

(Ҳикоя)

ёзиб ўтирганини кўрдим. Роса уйқум келганди ва кечки овқатни емасдан ухлашга ётдим. Орада бир уйғондим ва уни ҳали ҳам ёзаётганини кўрдим. Аммо бу менга аҳамиятсиз эди, бошимни ўгириб ухлашга давом этдим.

Тонгда менга шартлари ёзилган мактубни берди. Мендан ҳеч нарса истамаганди, фақат ажрашишимизни эълон қилиш учун бир ой муҳлат сўради ва бу вақт давомида яхши оила каби муносабатда бўлишимизни истади. Бунинг сабаби бир ойдан кейин ўғлимизнинг имтиҳонлари бошланиши ва бу пайтда унга бу юкни юкламаслик эди. Буни қабул қилиш мумкин. Яна бир нарса

бор эди, тўй кечамиз уни эшикдан қандай кўтариб кирганимни эслатиш эди ва бир ой давомида ҳар тонг уни ётоқдан эшиккача кўтариб боришимни истади. Эсини ебди, деб ўйладим, лекин охириги кунларимизнинг яхши ўтиши учун қабул қилдим. Кейин бу шартларни Жанага айтдим. У баланд овозда кулиб буни гирт аҳмоқлик эканлигини ва бу ажрашиши учун эканини тушуниб қабул қилди.

Шу боис биринчи кун уни олиб эшик томон кўтарганимда галати ҳисни сездим. Ўғлимиз орқамизда турарди ва олқишлай бошлади. Дадам онамни кучоғида

кўтарди, деди. Бу уни жуда севинтирганди, сўзлари қалбимни вайрон қиларди. Ётоқдан уй эшигигача ўн метр кўтардим. Хотиним кўзларини юмди ва қулоғимга, ўғлимизга ажрашишимизни айтманг, деб пичирлади. Мен ҳам бошимни эгиб, ҳўп, дедим ва ичимга бир маҳзунлик чўкди. Эшик олдида уни қолдирдим. Хотиним автобус бекатига йўл олди, мен эса бир ўзим офисга кетдим.

Иккинчи кун бу ўйин бизга осон кечди. Хотиним бошини кўксимга қўйди ва унинг ифорини туйдим.

(Давоми бор.)

Туркчадан Марям ОСИЁ таржимаси

ҚИСКА ҲИКОЯЛАР

Ҳақиқий билим орттирмоқ учун одам яхши китобларни, яъни яхши, ақлли кишилар ва чинакам донишмандлар ёзган китобларни танламоғи лозим.

ЧЭННИНГ

БИЗ СЕЗМАГАН ЁНИМИЗДАГИЛАР

Фаришта одамдан сўради:
– Уттан умрингни кўришни истайсанми?
– Истайман, – деди одам.
Фаришта одамни юқорига олиб чиқди ва одам бутун уттан умрини кўрганда икки жуфт из ёнмаён борганидан ажабланди.
– Менинг ёнимда кимнинг изи?
– Бу мен, сени бутун умр кузатиб юрдим.
– Лекин, нега баъзан излардан биттаси йўқ?
– Бу сенинг ҳаётингдаги энг оғир бўлган дамлар, – деди фаришта.
– Демак, энг оғир дамларда мени ташлаб кетган экансан-да.
– Йўқ, бундай палларда сени кўтариб юрган эдим, – деди.
Фариштангиз ҳамиша ёнингизда бўлсин.

БОЙ ВА КАМБАҒАЛНИНГ ФАРҚИ

Донишманддан сўради:
– Нега камбағаллар бадавлат одамларга нисбатан атрофдагиларга меҳрибонроқ ва улардек зиқна бўлишмайди?
– Деразадан ташқарига боқ-чи, нимани кўряпсан?
– Болалар ҳовлида ўйнаб юришибди.
– Энди кўзгуга боққин. Нимани кўряпсан?
– Ҳизматчи.
– Кўряпсанми, дераза ҳам, кўзгу ҳам шишадан, лекин шишага озроқ кумуш қўшилса, фақат ўзингни кўрасан.

ДОНИШМАНДНИНГ ҲАЙРОН ҚОЛГАНИ

Донишманддан уни нима ажаблантиришини сўради.

– Инсон, – деди у, – Аввалига соғлигини қурбон қилиб пул топади. Кейин соғлигини тиклаш учун пул сарфлайди. Шу билан бирга, у келажагини шунчалар кўп ўйлайдики, айни дамидан ҳеч ҳаловат тополмайди. Натижанда у келажак билан ҳам, бугуни билан ҳам яшамайди. У ўзини гўё мангу ҳаёт кечирадигандек тутуди ва ҳаётни тарк этиш вақти келганда яшамадим, деб пушаймон қилади.

Биз билан қизиқ бўлмагани учун ҳаёт бизни ташлаб кетишини ҳамма билиши керак. Шундай экан, бугунги кун билан яшаш керак, чунки кеча ўтди, энди у йўқ. Келажакнинг келиши эса номаълум. Бугунимиз ҳаётимиздаги энг яхши кун экани доим ёдингизда бўлсин.

КИМНИ ЎҚИТИШ КЕРАК?

Шогирд устоздан сўради:
– Корхонамда анча одам ишлайди. Уларнинг қайси бирини ўқитай – ишда яхши натижа кўрсатганимни ёки ёмон ишлаётганини.
– Албатта, яхши натижага эришганини. Акс ҳолда улар ўқитилиш учун ёмон ишлаш керак деган хулосага келишди.
Шогирд устозга миннатдорлик билдираркан, устоз қўшимча қилди:
– Шошма, сен нега ҳаммасини ўқитмоқчи эмассан?

Русчадан Хуршид НУРУЛЛАЕВ таржимаси

ТАҚДИРЛАШ

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Осие ўйинлари совриндорларини тақдирлаш бўйича фармойишни имзолади.

Хужжат билан 2018 йилги Индонезия Республикасида бўлиб ўтган XVIII Осие ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун ғолиб ва совриндор спортчиларнинг ҳар бири пул мукофотлари билан тақдирланди:

- олтин медал — 5000 АҚШ доллари
- кумуш медал — 3000 АҚШ доллари
- бронза медал — 2000 АҚШ доллари.



ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИНИНГ ЯРИМ ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ МАЪЛУМ



“Қўқон-1912” ва “Пахтакор” дан кейин “Бунёдкор” ҳамда АГМК жамоалари ҳам ярим финалга йўлланма олди.

“Қўқон-1912” жамоаси ўз майдониди “Нефчи”ни, “Пахтакор” эса “Локомотив” жамоасини енгиб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритишганди. Кейинги кунги ўйинларда “Бунёдкор” сафарда “Анджон”ни енги, АГМК ўз майдониди “Машъал”ни мағлубиятга учратиб, ярим финал иштирокчилари қаторига қўшилди. Кубокнинг ярим финал ўйинлари 27-28 сентябр кунларига белгиланган.

ДЗЮДО

БОКУ ШАҲРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ

Кеча, 20 сентябр кун Озарбайжон пойтахтида старт олган жаҳон чемпионатида 131 мамлакатдан 800 нафарга яқин зиёд спортчи иштирок этипти. Нуфузли мусобақада ўзбекистонлик полвонлар ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар.

Дастлабки кунги мусобақаларда юртдошларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг.) ва Маржона Салоҳидинова (-48кг) ўз имкониятини синовдан ўтказди.



БОКС

МАЙК ТАЙСОН ТОШКЕНТДАН УЙ СОТИБ ОЛАДИ



Афсонавий боксчи Майк Тайсон пойтахтимизда кўчмас мулк эгасига айланади.

Тайсон пойтахтимиз марказида қад росталаётган Tashkent City халқаро ишбилармон маркази ҳудудидаги Gardens Residence мажмуасидан ўзи учун уй харид қилади.

Шаҳримиз кўчаларида “Қўшни бўлишга нима дейсиз?” номли рекламага кўзингиз тушган бўлса керак. Замонавий Tashkent City шаҳарчасининг қурилиши 2019 йилнинг охири 2020 йилнинг бошларида яқунланиши режалаштирилган.

ЭЪЛОНЛАР!

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ИНСТИТУТИГА 2019 ЙИЛ УЧУН ҚУЙНАДГИ ИХТИСОСЛАНКАЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига

05.04.01 – Телекоммуникация ва компютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш;

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил алоқа тизимлари;

05.01.05 – Ахборотларни химоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги;

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурдаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази

05.01.01 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш;

05.01.02 – Информатиканинг назарий асослари;

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

Таянч докторантура (PhD)га талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасига мурожаат қилади:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура

турси, бакалавриатураси дипломлари нусхаси;

■ нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

■ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар;

■ 4х6 см. ўлчамдаги 2 дона фотосурат; паспорт нусхаси.

Таянч докторантура (PhD) сифатида ўқиш учун қираётган шахслар мутахассислик, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Таянч докторантура (PhD) учун мус-

тақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан олий таълим муассасасига мурожаат қилади:

- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- магистрик дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Мустақил изланувчилик сифатида ўқиш учун қираётган шахслар мутахассислик бўйича суҳбатдан ўтади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2018 йил 15 сентябрдан – 15 октябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўч., 108-уй. Маълумот учун телефонлар: 238-64-43, 238-64-03.

2011 йилда ЎзДЖТУ томонидан Амонова Гулноза Тошмурод қизига берилган В № 038494 рақамли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2014 йилда ЎзДЖТУ томонидан Амонова Гулноза Тошмурод қизига берилган М № 076351 рақамли магистр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2007 йилда ЎзДЖТУ томонидан Науменко Олга Евгеньевнага берилган В № 321348 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ

Мисрлик киши юраги тез-тез безовта қилавергач, ўзини текширтгани Европа мамлакатларидан бирига борди. Уни кўриқдан ўтказган шифокорлар:

— Касалингиз оғир, сизда зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўтказиш керак. Лекин натижага ҳам тўлиқ қафолат йўқ, юрагингиз заиф, — дейишди.

— Ундай бўлса, юртимга қайтиб, фарзандларим билан видолашиб келаман, — деди киши.

Бемор Мисрга қайтиб, болаларини жамлади. Уларни сабрга чақирди. Бу учрашув охиргиси бўлиши, амалиётдан соф чиқмаслиги мумкинлигини айтди. Сўнг баъзи дўстларини зиёрат қилиб, сўнгги йўлга ҳозирлик кўра бошлади. Дўстларидан бирининг идорасига яқин жойда қассоб дўкони бор эди. У ердан ўтаётиб, бир аёлнинг ерга тушган ва ахлат қутисидан гўшт, суяк, ёғ парчаларини териб, халтага солаётганига кўзи тушди ва унинг олдида бориб, нима учун бундай қилаётганини сўради.

— Бешта кичик ёшли қизларим бор. Бир йилдан бери умуман гўшт ейишмайди. Ейиш-маса ҳам, ҳидини ҳидлашин

дейман-да, — деди аёл қизарганича ерга қараб.

Аёлнинг гапларидан кишининг кўзларига ёш келди. Уни қассобнинг олдида олиб кириб:

— Бу аёлга ҳар ҳафта менинг

оласиз! — деди киши қатъий қилиб. Сўнг ҳисоблаб, бир йиллик гўштининг пулини олдиндан тўлади.

Буни кўрган аёл, йиғлаб, унинг ҳақиқа узоқ дуо қилди.

нага борди. Уни қайта текширган шифокорлар:

— Қарла даволандингиз, қайси шифохонада? — дейишди ҳайратдан бақиргудек бўлиб.

— Нима учун бундай деясиз? — деди улардаги ўзгаришдан ажабланган киши.

— Қарга бордингиз, деб сўраяпмиз. Ким сизни муолажа қилди? — деди улардан бири.

— Аллоҳга қасам, ҳеч қарга бормадим. Фарзандларим билан хайрлашиб қайтдим, — деди у.

— Тўғриси сўзланг!

Юрагингизда умуман касаллик қолмабди-ку!

— Нималар деясиз, доктор? — ишонқирамай сўради киши.

— Ҳудди у бемор сиз эмас, бошқа одам бўлгандек. Қайси шифохона у? Сизни қандай даволашди? Қандай дорилар истеъмол қилдингиз? Рўйхати борми? Беринг, илтимос...

Шифокорларнинг кетма-кет саволидан гангиб қолган киши

— Ҳеч қарда даволанмадим! — деди-ю, беихтиёр аёлнинг йиғлаб қилган дуолари ёдига келди: “Илоё менга ёрдам бердингиз, Аллоҳ Сизни гамташвишдан халос қилсин”...



ҳисобимдан гўшт берасиз! — деди.

Аёл эса тинмай:

— Йўқ, йўқ, керакмас, — дея зорлана бошлади.

— Ҳар ҳафта келиб, сизга қанча гўшт керак бўлса, шу ердан оласиз! — деди мисрлик.

— Менга бир кило етади, — деди аёл кўзлари ёшланиб.

— Йўқ, икки кило қилиб

Бир бечора аёлга ёрдам бера олганидан кайфияти кўтарилган мисрлик киши қилган ишидан ўзини бахтиёр сезиб, қалбида ўзгача қониқиш билан уйига қайтди.

Қолган ишларини ҳам битириб, болалари билан хайрлашиб, амалиёт учун Европага қайтган киши шифохо-

Саида РАҲМАТОВА
тайёрлади

“Илоё менга ёрдам бердингиз, Аллоҳ Сизни гамташвишдан халос қилсин”

ҲАЁТ



Кўйидагилар беш нарса орқали билинади:

- Дарахт — меваси пишганда;
- Аёл — эри камбағаллашиб қолганида;
- Ростгўй киши — қийинчилик вақтида;
- Мўмин — синов келганида;
- Сахий — унга одамларнинг ҳождати тушганида.

Беш нарса:

- Тавозеъ (камтарлик) — олимларнинг;
- Мол-дунё — қадрсиз кишининг;
- Сукут — хато қилувчининг;
- Ҳаё — хулқ-одобнинг;
- Ҳазил-мутуйиба (беҳуда ва бачкана бўлмаса) — ўзаро муносабатларнинг қадрини оширади.

МАСЛАҲАТ



Унутманг



- Илик кўк чой асал билан ичилганда мияга кўп фойда беради.
- Ўтишдан олдин сабзи истеъмол қилиш соғлиққа фойда.
- Сувни узоқ қайнатиш ёки қайнатилган сувни яна қайнатиб чой дамлаш жуда зарарли.
- Жигар хасталигини беҳи суви даволайди. Беҳи шарбатини кунига 1-2 коса ичиш тавсия этилади.
- Ҳар қандай касалликни даволаш ошқозонни қатиқ зарбод билан ювишдан бошланади.
- Кўк чой буйракни ювади, ундаги ялғизланишни даволайди.
- Ўтишдан олдин энгил бадантарбия қилинг.
- Уйқудан олдин кўйидагиларни истеъмол қилиш мумкин: олма, бир қошиқ асал, бир стакан кефир ёки асал қўшилган бир стакан илиқроқ сут.
- Уйқуси қочган одам асал яласин.
- Тез-тез қатиқ зардобини ичиб туриш

- қоннинг инфлосланиши (уремия) касаллигидан асрайди.
- Инсон жигари тўрт нарсани: хом қарам, творог, қаттиқ нон, асални яхши кўради.
- Ўзда тез-тез совуқ сувда ювиниб турсангиз, юрагингиз, жигарингиз иш фаолияти яхшиланади.
- Наъматакни қайнатиб, чой ўрнида ичиш ниҳоятда фойдали.
- Мунтазам ўтириб ишлайдиган одам ҳар соатда ўрнидан туриб юрсин.
- Ошқозон оғриганда наҳорда ҳамда ётиш олдида бир қошиқ доғланган зайтун мойи ичиш тавсия этилади.
- Кимда-ким ҳар 10-15 кунда бир марта шомда 1 литр қатиқ зардобини ичиб, ичинини ювса, қон босими, қанд, бавосир, ошқозон оғриги каби хасталиклардан халос бўлади.
- Сабзавот, кўкاتлардан унумли фойдаланиш умрни узайтиради.
- Доим кўк чой ичиб, сариқ сабзи еб юрган одам ўсма (рак) касалига чалинмайди.

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шуҳрат ҚОДИРОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИНИНГ:</p> <p>100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.</p> <p>Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78</p> <p>Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафталиқ жума кунини чиқарди</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-943 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2914 нусха.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>